

Ўзбекистон Республикаси номидан
Х У К М

2020 йил октябрь ойининг 13 куни Жиноят ишлари бўйича Яккабоғ туман судининг биносида очиқ суд мажлиси бўлиб, шу суднинг раиси Н.Маҳмудовнинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Худойбердиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Яккабоғ туман прокурорининг ёрдамчиси **О.Мадатов**, судланувчи [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси Яккабоғ туманидаги “Гайиров Шероз” адвокатлик бюроси адвокати Ш.Гайиров, марҳумнинг қонуний вакили [REDACTED]нинг иштирокида [REDACTED]га оид [REDACTED]-сонли жиноят иши кўрилди. Иш ҳужжатлари ва судда аниқланганларга кўра:

[REDACTED] ([REDACTED]) - 1995 йил 18 июнда Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 1 нафар фарзанди бор, ишламайди, муқаддам судланмаган, Яккабоғ тумани “Истиқбол” маҳалла фуқаролар йиғини, Имомёқуб қишлоғида яшайди, гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2020 йил 24 сентябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва марҳумнинг қонуний вакилини кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и :

[REDACTED], 2020 йил 20 июль куни соат 11 ларда бошқарувида бўлган “Дамас” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинаси билан “Яккабоғ-Алакўйлак-Шов-Додқуш” 4К 283 автомобиль йўлидан Ғуржоб қишлоғи йўналиши томон ҳаракатланиб бориб, ушбу йўлнинг Яккабоғ тумани, Алакўйлак қишлоғи ҳудудидан ўтган 14 километридаги йўлга етиб келганида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 декабрдаги 370-сонли қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати коидалари”ни 77-банди 3-қисмидаги “Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсикни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб белгиланган талабларига риоя қилмасдан, ўзининг йўналиши бўйича велосипедда ҳаракатланиб кетаётган 1950 йилда туғилган [REDACTED]ни уриб юбориб, йўл-транспорт ҳодисаси содир этган. Натижада [REDACTED] ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан шикасти олиб, Яккабоғ туман шифохонасида шифокорлар томонидан тиббий ёрдам кўрсатилишига қарамасдан вафот этишига сабабчи бўлган.

Яккабоғ туман суд-тиббий экспертиза бўлинмасининг 2020 йил 7 июлдаги 7-мурда-сонли хулосасига кўра, марҳум [REDACTED]нинг танасида бош миани пешона тепа энса соҳаси қаттиқ ва юмшоқ пардалари остига, мия қоринчаларига ва мияча моддасига қон қуйилиши, чап



томонлама 3,4,5,6,7,8-қовурғаларни ўрта ўмров чизиғи бўйлаб бўлакраниб синиши, атроф юмшоқ тўқимасига қон қуйилиши, бошининг пешона тепа соҳаси юмшоқ тўқимасига қон қуйилиши, чап чакка соҳасида, чап тизза бўғими олд юзасида, чап тизза бўғими олд юзасида, чап елка устида, ўнг тирсак бўғими орқасида шилинмалар, чап сон пастки учлиги ички юзасида конталашлар кўринишидаги жароҳатлари мавжудлиги, жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича ҳаёт учун хавfli бўлган оғир шикаст белгиларига эга эканлиги ва унинг ўлими билан сабабий боғлиқлиги аниқланган.

Яккабоғ туман ИИБ ЭКГнинг 2020 йил 21 августдаги 35/36-сонли хулосасига кўра, мазкур йўл-транспорт ҳодисасида “Дамас” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашина ҳайдовчисининг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлганлиги аниқланган.

Судланувчи [REDACTED] суд муҳокамасида, айбига тўлиқ иқрорлигини, “Дамас” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашина отаси [REDACTED] номида бўлиб, ушбу автомашинани у суғурта полиси ва отаси томонидан билдирилган ишонч орқали бошқариб келаётгани, ҳайдовчилик гувоҳномаси борлигини, 2020 йил 20 июль куни соат 11 ларда ўзи “Дамас” русумли [REDACTED] давлат рақамли автомашинасини Яккабоғ тумани [REDACTED] МФЙдан ўтган йўлда бошқариб келгани, автомашинани тезлиги соатига 55 км. тезликда бўлгани, автомашинада ўзидан бошқа ҳеч ким бўлмагани, шу куни автомашинани устага кўрсатгани олиб бораётган бўлгани, Алакўйлак қишлоғи кўпригидан ўтганидан кейин 50 метр узоқликдан уни йўналишида йўлни четиди велосипедда эркак киши ҳаракатланиб кетаётганини кўргани, велосипед ҳайдовчисига етишига 10 метрлар қолганида велосипед ҳайдовчиси ўз йўналишини ўзгартириб, чап томонга қараб ҳаракатланиб чиққани, шунда уни уриб юбормаслик учун автомашинасини бошқарувини чап томонга буриб, тормоз бергани, шу пайтда велосипед ҳайдовчисини автомашинасини олд ўнг томон қисми билан туртиб юборгани ва автомашинани бошқарувини йўқотиб, йўл четига кумга чиқиб кетиб сирпаниб, чуқурликка тушиб тўхтагани, велосипеддаги киши эса урилган жойни ўзида йўлда йиқилгани, шундан сўнг дархол автомашинадан тушгани ва велосипеддан йиқилиб жароҳатланган кишини олдига боргани, у киши ерда “вой вой”-деб, типирчилаб ётгани, кейин йўлдан йўловчи “Дамас” русумли автомашина тўхтатиб, жароҳат олган кишини дастлаб қишлоқ врачлик пунктига олиб боргани, қишлоқ врачлик пункти шифокори жароҳат олган кишини кўриб турган пайтида у дархол ҳодиса содир бўлган жойда қолиб кетган автомашинасини чуқурликдан чиқариб, уйига олиб бориб қўйгани, сўнг отаси билан қишлоқ врачлик пунктига қайтиб келгани, шифокор уларга чолни Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасининг жонлаштириш бўлимига олиб боришни айтгани, шундан кейин улар чолни Яккабоғ тумани тиббиёт бирлашмасига олиб боришгани, шифохона коронавирус инфекцияси туфайли карантинга олингани сабабли уларни қабул қилмагани, шундан кейин тез ёрдам машинаси билан чолни Яккабоғ тумани шифохонасига олиб боришгани, кейинчалик автомашина билан уриб юборганидан тан жароҳат олган ушбу кишининг исми [REDACTED] эканини билгани, шу куни марҳум [REDACTED] вафот этгани, спиртли ичимлик истеъмол қилмагани, ҳозирги кунда марҳумнинг



қонуний вакили ва унинг оила аъзоларидан кечирим сўрагани, мархумнинг дафн маросимига кетган ва бошқа барча сарф-харажатларини қоплаб бергани, қилган ишидан пушаймонлигини билдириб, қонуний енгиллик беришликни сўради.

Мархумнинг қонуний вакили [] суд муҳокамасида, мархум [] уни отаси бўлишини, отаси [] 2020 йил 20 июль куни Алақуйлак қишлоғи йўлида йўл-транспорт ҳодисасига учраб вафот этгани, ўша куни у уйда бўлгани, шу куни соат 14 ларда отаси [] унга телефон қилиб, отаси Алақуйлак қишлоғи йўлида велосипедда ҳаракатланиб кетаётганида уни ортидан “Дамас” русумли автомашина катта тезликда ҳаракатланиб келиб, уриб юборганини ва отаси Яккабоғ туман шифохонасига ётқизилганини айтгани, шунда у Ажрим қишлоғидаги уйдан дархол чиқиб, Яккабоғ тумани шифохонасига етиб боргани, шифохонага борган вақтида отаси шифохонанинг жонлантириш бўлимида кома ҳолатида ётганини кўргани, кўп вақт ўтмай отаси вафот этгани, эртаси куни, яъни 2020 йил 21 июль куни отасини дафн қилишгани, судланувчи []нинг отаси уни отасини дафн маросимларига ва дафн маросимидан кейин ҳам келиб хабар олиб тургани, судланувчи [] барча маросимларини ўтказишга моддий томондан ёрдам бергани, уларга етказилган барча моддий ва маънавий зарарларни қоплаб бергани, шу сабабли унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгил жазо тайинлашни сўради.

Суд, судланувчи []нинг айби унинг ўзини айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувини, мархумнинг қонуний вакилининг кўрсатувини, давлат айбловчисини ва судланувчининг ҳимоячисини фикрини тинглаб, ишда тўпланган ҳужжатлар, хусусан; ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақида баённомаси, схемаси, фотосуратлари, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, суд-тиббий экспертиза ва автотехника экспертиза хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа ёзма далиллар билан ўз исботини топди деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи []нинг содир этган жиноий ҳаракатининг квалификациясини муҳокама қилиб, дастлабки тергов органи томонидан унинг ҳаракатини транспорт воситалари ҳаракати ва улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиб, одам ўлимига сабаб бўлганликда ифодаланган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 266-моддасининг 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида “Жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ва етарли бўлган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги”, 8-моддасида эса “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилана бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак”лиги белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ёки ундан фойдаланиш хавфсизлигига



қарши жиноятларга оид ишлар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 25-бандида “Судлар йўл транспорт ҳодисасида айбдор деб топилган шахсга нисбатан жазо тури ва муддатини белгилашда инсонпарварлик, одиллик тамойилларидан келиб чиқиб, ҳар бир иш бўйича алоҳида ёндашув тўғрисидаги қонун талабига қатъий риоя қилишлари, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасига, ҳодиса содир бўлгандан кейин шахснинг хатти-ҳаракатига (унинг жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатиш учун қилган ҳаракатлари, жабрланувчи ва унинг оиласига моддий ва бошқа тарзда ёрдам берганлиги, жиноят натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаганлиги ва ҳ.к.) ва жазони енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи бошқа ҳолатларга алоҳида эътибор беришлари шарт”лиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи [REDACTED] га нисбатан жазо тури ва меъёрини белгилашда қоридаги қонун ва Пленум қарори талабларига риоя қилган ҳолда унинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар йўқ деб ҳисоблаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 37-бандидаги “ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкин”лиги ҳақидаги тушунтиришларига таяниб, унинг жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар билан бир қаторда марҳумнинг қонуний вакилига етказилган моддий зарарларни қоплаганлигини, марҳумнинг қонуний вакилини унга нисбатан даъвоси йўқлигини, ёшлигини, қарамоғида бир нафар вояга етмаган фарзанди борлигини уни содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар деб эътироф этиб, унга айбли деб топилган ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан шу Кодекснинг 57-моддасини қўллаб, айб моддаси санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ турдаги озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, шунингдек ЖКнинг 45-моддасига асосан транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қишлиш тариқасидаги қўшимча жазоси тайинлашни, озодликни чеклаш тақиқларини тушунтириб, озодликни чеклаш жазоси муддатини уни Яккабоғ туман ИИБ Пробация гуруҳи томонидан ҳисобга қўйилган кундан, транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазосини ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблашни, жазолар ижросини назорат қилишни Яккабоғ туман ИИБ ҳамда Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҚХБга қарашли 1-ТРИБ бошлиқлари зиммасига юклатишни, гаров эҳтиёт чораси учун Қашқадарё вилоят ИИБнинг депозит ҳисоб рақамига топширилган 4.500.000 сўм пулни гаровга қўювчи [REDACTED] нинг ўзига қайтаришни лозим топди.

Шунингдек, суд иш бўйича етказилган зарар масаласини муҳокама қилиб, судланувчи [REDACTED] томонидан марҳумнинг қонуний вакили Г.Зиядуллаевага етказилган моддий ва маънавий зарарларини тўлиқ қоплаб



берилганини ва марҳумнинг қонуний вакили [REDACTED] ни судланувчи [REDACTED] га нисбатан даъвоси йўқлигини қайд этишни лозим топди.

Юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларини қўллаб, суд

х у к м қ и л д и

[REDACTED] ([REDACTED])
Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

[REDACTED] га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 2-қисми билан шу Кодекснинг 45,57-моддалари қўлланиб, 2 йил муддатга транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиниб, 3 йил 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин ҳамда унинг сутканинг кеч соат 22:00дан эрталаб соат 6:00га қадар яшаш жойидан чиқиши чеклансин.

Унинг зиммасига оммавий тадбирларда иштирок этмаслик;

- назорат қилувчи органнинг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Қашқадарё вилоят ҳудудидан чиқмаслик каби қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

Жазоларни ижросини назорат қилиш Китоб туман ИИБ ҳамда Қашқадарё вилоят ИИБ ЙҚХБга қарашли 1-ТРИБ бошлиқлари зиммасига юклатилсин.

Озодликни чеклаш жазоси муддати ҳисобга қўйилган кундан ва транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасидаги жазоси ҳукм қонуний кучга кирган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи [REDACTED] нинг гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаров эҳтиёт чораси учун тергов органининг депозит ҳисоб рақамига топширилган 4.500.000 сўм пул гаровга қўювчи [REDACTED] нинг ўзига қайтарилсин.

Судланувчи [REDACTED] томонидан марҳумнинг қонуний вакили [REDACTED] га етказилган моддий ва маънавий зарарларини тўлиқ қоплаб берилгани ва унинг судланувчи [REDACTED] га нисбатан даъвоси йўқлиги қайд этилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, судланувчи ва марҳумнинг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб шу муддат ичида, апелляция тартибида жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди апелляция инстанциясига шикоят ёки протест билдириши, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида жиноят ишлари бўйича Қашқадарё вилоят суди кассация инстанциясига шикоят ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

Н.Маҳмудов

